XALQ DEPUTATLARI YANGI NAMANGAN TUMANI KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 22 - sentabr VI-10-53-6-222-K/22 Yangi Namangan tuman hokimligi

Янги Наманган туманида фуқаролар томонидан ўтказиладиган оилавий маросимларни тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги № 2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига асосан, Халқ депутатлари Янги Наманган тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги № 2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги Низомда қуйидагилар белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин:

тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилиши;

дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши;

мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача, қўшалоқ тўйлар билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши.

2. Янги Наманган туманида мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимининг вақти соат 6:00 дан соат 23:00 гача бўлган вақт оралиғида ўтказилиши белгилансин.

3. Карантин ва бошқа эпидемиологик вазиятларда Республика махсус комиссия томонидан маросимларнинг вақти чекланган ёки чегараланган тақдирда ўтказиладиган маросимларнинг вақти Республика комиссияси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Ушбу қарор “Наманган садоси” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Исақов зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари Янги Наманган тумани Кенгаши раиси **Ж.Абдуллаев**